

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 03/30.12.2019.Т.04.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ИБРАГИМОВ АБДУМАЛИК АЗИЗОВИЧ

**БИС- АЗО-ТИМОЛИЛКАРБАМАТЛАРНИНГ ҲОСИЛАЛАРИ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА УЛАРНИНГ БЎЎВЧИЛИК
ХОССАЛАРИНИ ЎРГАНИШ**

02.00.14 –Органик моддалар технологияси ва улар асосидаги материаллар

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИНИНГ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Флсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Content of the dissertation abstract of doctor of Philosophy (PhD)

Ибрагимов Абдумалик Азизович

Бис-азо-тимолилкарбаматларнинг ҳосилалари технологиясини ишлаб чиқиш ва уларнинг бўёвчилик хоссаларини ўрганиш..... 3

Ибрагимов Абдумалик Азизович

разработка технологии производных бис-азо-тимолилокарбаматов и изучение их красящих свойств..... 21

Ibragimov Abdumalik Azizovich

Research and development of technology obtaining derivatives of bis-azo-thimolyl-carbamates..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 42

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 03/30.12.2019.Т.04.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ИБРАГИМОВ АБДУМАЛИК АЗИЗОВИЧ

**БИС-АЗО-ТИМОЛИЛОКАРБАМАТЛАРНИНГ ҲОСИЛАЛАРИ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА УЛАРНИНГ БЎЎВЧИЛИК
ХОССАЛАРИНИ ЎРГАНИШ**

02.00.14 - Органик моддалар технологияси ва улар асосидаги материаллар

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИНИНГ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Т386 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент кимё-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида www.tkti.uz манзили ва «ZiyoNet» ахборот-таълим портали www.ziyounet.uz манзилида жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Махсумов Абдухамид Гафурович
кимё фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Тешабаева Элмира Убайдуллаевна
техника фанлари доктори, профессор
Мирхамитова Дилором Худайбердиевна
кимё фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноати институти

Диссертация ҳимояси Тошкент кимё-технология институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Т.04.01 рақамли Илмий кенгашнинг «_3_» 03 2022 йил соат 11⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 10011, Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, А.Навоий кўчаси, 32. Тел.: (99871) 244-79-20; факс: (99871) 244-79-17; e-mail: tcti_info@edu.uz.

Диссертация Тошкент кимё-технология институтининг Ахборот-ресурс марказида _288 рақам билан рўйхатга олинган. У билан АРМ да танишиш мумкин. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 32. Тел.: (99871) 244-79-20.

Диссертация автореферати 2022 йил «_18_»_02_куни тарқатилди.
(2022 йил «_12_»_02_даги _97_ рақамли реестр баённомаси).

С.М.Туробжонов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Х.И.Кадиров
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш котиби, т.ф.д., профессор

Г.Р.Рахмонбердиев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, к.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзуининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёда карбаматлар, бис - карбаматлар қишлоқ хўжалиги, медицина, техника, резина саноати, фармацевтика, органик синтезд соҳаларида, ҳамда улар асосида турли хил препаратлар ишлаб чиқаришда қўлланилади. Шу билан бирга бис-(азо-тимолил)-карбаматнинг янги ҳосилалари яратиш, бис-(фенил-азо-тимолил)-карбамат чиқишига омилларнинг таъсирини, N-N бўйича физик-кимёвий хусусиятларни, диметиллаш ва диалкиллаш, бис-(фенил-азотимолил)-карбаматларнинг ҳосил бўлиш реакцияларининг механизмини, уларнинг ҳосилалари ва оқимининг хилма - хиллигини, қолдиқсиз N,N'-гексаметилен бис-[(фенил-азо-тимолил) карбамат] ишлаб чиқариш технологиясини яратиш, синтезланган бис-азо-тимолил-карбамат асосида синтетик полимер ва табиий толаларни бўйаш учун бўёқлар ва биологик фаол моддалар ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда фенол ва изоцианат асосида бис-(азо-тимолил)-карбаматнинг янги ҳосилаларини яратиш бўйича қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, бис-фенил-азо-тимолил-карбаматнинг гидрокси-, карбокси-, сульфокси-ҳосилаларини синтез қилиш, уларнинг физик-кимёвий хоссалари, таркибий хусусиятларини ўрганиш, кимё саноатида бўёқлар ва биологик фаол воситалар сифатида қўллаш, синтетик полимер ва табиий толаларни бўйаш учун бўёқлар олиш технологияларини ишлаб чиқиш ва синовдан ўтказишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда сўнгги йилларда фенол ва изоцианат асосида кимё саноати ва қишлоқ хўжалигини бўёқ ва биологик фаол моддалар билан таъминлаш мақсадида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, технология жараёнларини такомиллаштириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати ва сонини кенгайтириш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича ҳаракатлар Стратегиясида «маҳаллий хом ашё ва иккиламчи ресурслардан импорт ўрнини босувчи маҳсулот олиш технологияларини яратиш» юзасидан муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада фенол ва изоцианатлар асосида бис- фенил-азо-тимолил-карбаматнинг аввалдан берилган хоссаларга эга ҳосилаларини олиш технологиясини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий-тадқиқотлар муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 6 апрелдаги ПФ-4891-сонли «Товарлар (ишлар, хизматлар) ҳажми ва таркибини танқидий таҳлил қилиш, импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш тўғрисида»ги, 2017 йил 21 апрелдаги ПҚ-2916-сон «2017-2021 йилларда маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ва фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланиши-нинг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бис- фенил-азо-тимолил-карбамат ҳосилаларини олиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича Т. Jscs Shidota, Romberger, A. John, A. Daniel, G. Woodward, C. Kelsten, P. Graham, B. Brettell, S.T. Arab, A.M. Al-Turkustani, L. Krayner, J. Herbert, J.Manspeaker, M. Robi, G. Edwards В.Я. Темкин, Н.В. Циркульникова, Г.Ф. Ярошенко, Р.П. Ластовский, З.Виршпа, Я. Бженизинский, П.А. Дирай, Н.М. Дятлова, С.А. Болезин, Л.И. Антропов, Н.В. Цирульникова, А.П. Ковальчук, Ф.Ф. Чеусов, Б.Н.Дриккер, Ю.Н. Калимуллин, А.С. Михалев, В.К. Пинигин, Е.М. Уринович, Ф. Курбонов, А.Б. Аловитдинов, Д. Юсупов, А.Т. Жалилов, В.П. Гуро, А. Икромов, С.М. Туробжонов, А.Г. Маҳсумов ва бошқалар томонидан илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Улар томонидан бис-фенил-азо-тимолил-карбаматнинг гидрокси-, карбокси-, сульфокси- ҳосилалари, уларнинг физик - кимёвий ва эксплуатацион хоссалари, жараён боришига таъсир этувчи турли хил омиллар ўрганилган ва уларни кимё саноати ва қишлоқ хўжалигида бўёқ, ҳамда биологик фаол моддалар сифатида ишлатиш технологиялари жорий этилган.

Шу билан бирга бир қаторда азо- тимол билан ГМДИ аралашмасининг ўзаро таъсири асосидаги бис-(азо-тимолил)-карбаматнинг янги ҳосилаларини синтез қилиш, бис-(фенил-азо-тимолил)-карбамат чиқишига омилларнинг таъсирини, N-N марказлар бўйича физик-кимёвий хусусиятларини ўрганиш, бис-(фенил-азотимолил)-карбаматларнинг ҳосил бўлиш реакцияларининг механизми, уларнинг ҳосилалари ва оқимининг хилма – хиллигини, қолдиқсиз N,N'-гексаметилен бис-[(фенил-азо-тимолил) карбамат] ишлаб чиқариш технологиясини яратиш, синтезланган бис-азо-тимолил-карбамат асосида синтетик полимер ва табиий толаларни бўйаш учун бўёқлар, шунингдек биологик фаол моддаларни ишлаб чиқиш устида тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Диссертация мавзуининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент кимё-технология институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг №ОТ-ФЗ-143-сон «D- ва F- конфигурацияли металллар координатсион бирикмаларининг кимёвий боғининг тузилиши ва табиати, ҳамда улар асосида зарур хусусиятларга эга бўлган янги бирикмаларни режалаштириш (башорат қилиш)» (2005-2009 йй.), №И-8-7 «Ўзнефтгазқазибчиқариш» АЖ нефть-газ саноати учун ингибиторлар ишлаб чиқариш технологиясини яратиш» (2008-2009 йй.), №6-070 «Маҳаллий хом ашё асосида туз ажралиши (тўпланиши) ингибиторларини яратиш, хусусиятларини ўрганиш ҳамда олиш технологияларини ишлаб чиқиш» (2009-2011 йй.) ва №А-12-73 «Минерал тузларнинг тўпланиши ва коррозия ингибиторларини синтезлаш, уларнинг хусусиятлари ва ишлаб чиқариш технологияси» бўйича режалаштирилган

амалий, фундаментал ва инновацион илмий –тадқиқот лойиҳалари доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади бис- фенил-азо-тимолил-карбамат ҳосилаларини олиш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ГМДИ билан алмаштирилган азо-тимолнинг ўзаро таъсири асосидаги бис-(азо-тимолил)-карбаматнинг янги ҳосилаларини олишни аниқлаш;

бис-(фенил-азо-тимолил)-карбаматнинг чиқишига таъсир этувчи омилларни аниқлаш;

N-H марказлар бўйича физик-кимёвий хусусиятлари диметиллаш ва диалкиллашни аниқлаш;

бис-(фенил-азотимолил)-карбаматларнинг ҳосил бўлиш реакцияларининг тахминий механизми, уларнинг ҳосилалари ва оқимининг хилма – хиллигини асослаш;

чиқиндисиз N,N'-гексаметилен бис-[(фенил-азо-тимолил) карбамат] ишлаб чиқариш технологиясини ва улар асосида синтетик полимер ва табиий толаларни бўйлаш учун бўёқлар, ҳамда биологик фаол моддаларни ишлаб чиқиш технологияларини яратиш.

Тадқиқотнинг объекти алмаштирилган ва алмаштирилмаган фенил-азо-тимоллар: 2-метилфенил-азо-тимол, 2-хлорфенил-азо-тимол; 4-нитро-фенил-азо-тимолар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предметини гексаметилен-1,6-диизоцианат, синтетик полимерлар ва табиий толалар, шунингдек биологик фаол моддалари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида замонавий физик – кимёвий, элемент таҳлил, ИК-ва ПМР- спектроскопия, ТСХ ва кванткимёвий ҳисоблаш ва экспериментал режалаштириш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

диметилформаид, триэтиламин муҳитидаги фенил-азо-тимоллар билан алмаштирилган алифатик диизоцианат асосида 98% гача юқори чиқиш билан N,N'-полиметилен бис-[(x-фенил-азо-тимолил)-карбамат] олиш усули ишлаб чиқилган;

бис-карбомоиллаш реакциялари асосида 2-метилфенил-азо-тимол, 2-хлорфенил-азо-тимол ва 4-нитрофенил-азо-тимол олинган;

N, N'-полиметилен бис-[(x-фенил-азо-тимолил)-карбамат] ҳосил қилиш механизмининг тахминий назарий концепцияси ишлаб чиқилган;

олинган N,N'-диметаллаш, N,N'-диалкиллаш бирикмаларнинг кимёвий хоссалари аниқланган;

бис - [(x-фенил-азо-тимолил)-карбамат]нинг N-H гуруҳлари реакция марказлари CH_3ONa , $(\text{C}_2\text{H}_5\text{ONa})$, $\text{CH}_3\text{CH}(\text{J})\text{CH}_3$, $\text{C}_2\text{H}_5\text{J}$ билан реакцияга киришиши ва N,N'-динатрий; N,N'-диэтил-, N,N'-диизопропил ҳосилалар ҳосил бўлиши исботланган;

субстратлар ва реагентлар тузилиши, эритувчиларнинг табиати, ўзаро таъсирнинг ҳарорати ва вақтнинг реакция йўналиши ва реакция натижасида олинган маҳсулотнинг ҳосил бўлишига таъсири аниқланган;

илк бор бис-фенил-азо-тимолил-карбаматлар ҳосилаларини қолдиқсиз олиш технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

диметилформаид, триэтиламин муҳитидаги фенил-азо-тимоиллар билан алмаштирилган алифатик диизоцианат асосида 98% гача юқори чиқиш билан N,N'-полиметилен бис-[(х-фенил-азо-тимолил)-карбамат] олиш усули яратилган;

N,N'-полиметилен бис-[(х-фенил-азо-тимолил)-карбамат] ҳосил қилиш механизмининг тахминий назарий концепцияси ишлаб чиқилган;

бис-фенил-азо-тимолил-карбаматлар ҳосилаларини қолдиқсиз олиш технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги бис-карбобоиллаш реакциялари асосида олинган 2-метилфенил-азо-тимоил, 2-хлорфенил-азо-тимоил ва 4-нитрофенил-азо-тимоилларни хоссаларини ўрганишда кимёвий, физик-кимёвий ва стенд тадқиқотларининг қўлланилиши ва олинган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга жорий қилиниши билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти гексан-1,6-диизоцианатнинг 2-метилфенил-азо-тимоил, 2-хлорфенил-азо-тимоил ва 4-нитро-фенил-азо-тимоил билан ўзаро таъсир этиш натижасида юқори реакцияга киришиш, ҳамда юқори чиқиш билан N,N'-полиметилен бис-[(х-фенил-азо-тимолил)-карбамат] лар олишнинг илмий асослари яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти турли хил тузилиш, реакцияга киришиш қобилияти ва хусусиятларига эга бўлган N,N'-полиметилен бис-[(х-фенил-азо-тимолил)-карбаматов] асосида импорт ўрнини босувчи ва рақобатбардош лок-бўёқ материаллари, полимерлар ва биологик фаол моддалар олиш технологияларининг ишлаб чиқилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши. Бис- фенил-азо-тимолил-карбамат ҳосилаларини олиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

антиоксидант хоссасига эга бўлган олигомер стабилизаторни олиш усулига Ўзбекистон республикаси интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (№IAP 04208, 2006 й.). Натижада, антиоксидант хоссасига эга бўлган олигомер стабилизаторни ишлаб чиқариш имконини берган;

махаллий хоашёлар асосида N,N'-полиметилен бис-[(х-фенил-азо-тимолил)-карбамат] олиш технологик жараёни «Ўзкимёсаноат» АЖнинг «2022-2023 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати»га киртилган («Ўзкимёсаноат» АЖнинг 2021 йил 23 июндаги 23-3-1171-сон маълумотномаси). Натижада, лок-бўёқ материаллари, полимерлар ва биологик фаол моддалар ишлаб чиқаришни хомашёсини маҳаллийлаштириш имконини беради;

N,N'-полиметилен бис-[(х-фенил-азо-тимолил)-карбамат] асосида лок-бўёқ материаллари, полимерлар ва биологик фаол моддалар олиш технологиялари «Ўзкимёсаноат» АЖнинг «2022-2023 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича

истикболли ишланмалар рўйхати»га («Ўзкимёсаноат» АЖнинг 2021 йил 23 июндаги 23-3-1171-сон маълумотномаси). Натижада, лок-бўёқ материаллари, полимерлар ва биологик фаол моддалар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва тан нархини 50% камайтириш имконини беради.

Тадқиқот натижаларини синовдан ўтказиш. Тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 21 та республика илмий-техникавий конференцияларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация иши бўйича 33 та илмий иш, шу жумладан, 6 та мақола фалсафа доктори (PhD) диссертация ишларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий журналларда чоп этилган, 2 та мақола хорижий илмий журналларда, 2 та республика журналларида ва 2 та патент, 27 та тезис халқаро ва республика илмий-амалий конференцияларнинг тўпламларида эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 101 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Карбаматлар, олиниши, хоссалари ва қўлланилиши**» деб номланган биринчи бобида адабиётлар шарҳи келтирилган. Уларда лок-бўёқ маҳсулотларини материаллар ва биологик фаол моддаларнинг бўёғи сифатида ишлаб чиқаришда қўлланиладиган маълум органик моддаларнинг батафсил таҳлили берилган. ГМДИнинг фенол ва азафеноллар билан алмаштирилган ароматик спиртларнинг ҳосилалари билан реакциялари кўрсатилган ва улар нисбатан кам ўрганилган. Кўплаб мисолларда A_N реакцияси бир хил эмас. Кўпгина тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, унинг йўналиши таъсир кўрсатаётган алмаштирилган фенолларнинг асосийлигига боғлиқ. 1960-2012 йилларда эълон қилинган патент, мақола ва монографиялар асосан таркибида гидроксил бўлган CH_2Cl_2 , $CHCl_3$, ТГФ толуол, диоксан, эфир каби турли эритувчилар муҳитида, ФЭА асоси 3-8 дан 24 соат давомида 20дан $80^{\circ}C$ гача, баъзида эса ундан ҳам катта ҳароратда мавжуд бўлганда алифатик, фенол ҳосилалари ва гетероциклик гидроксиллар билан алмаштирилган изоцианатнинг ўзаро таъсир реакциясига бағишланганлиги аниқланди. Кимёнинг ушбу соҳасидаги тадқиқотлар, бир томондан карбаматларнинг органик бирикмалари


ва реакцияларнинг тахминий механизмларидаги принципиал янги қонуниятларни очиш имконини беради ва бу билан органик синтезда янги назарий тасаввурларнинг ривожланишига кўмаклашади.

Иккинчи томондан, ушбу ноёб тадқиқотларнинг янги биологик препаратлар, бўёқлар, ўсимликларнинг ўсишини тартибга солувчилар, нозик органик синтез ва технологиялар яриммаҳсулотларининг амалий аҳамияти жуда катта. Ушбу соҳада чуқур назарий тадқиқотлардан оддий амалий масалаларгача бўлган ишлар кимё-технология мутахассислари томонидан ҳал этилмоқда. Карбаматларнинг органик бирикмалари, уларнинг келгусида қўлланиши, олиш технологияси бўйича мавжуд адабий манбаларни ўрганиш натижасида диссертация ишининг мақсад ва вазифалари аниқланди.

Диссертациянинг «Синтезланган бирикмаларнинг тузилишини аниқлаш усуллари, фойдаланиладиган бошланғич реагентлар ва асбоб-ускуналар» деб номланган иккинчи бобида карбаматларни олиш бўйича мақсадли тадқиқотлар ўтказиш, ўтказилган экспериментал тадқиқотлар натижасида уларни синтезлаш усуллари ишлаб чиқиш. Ингредиентларнинг физик-кимёвий хусусиятлари ва параметрларидан келиб чиқиб ушбу реакцияларнинг кечиш қонуниятлари аниқланш. Уларнинг тузилиши ва таркиби замонавий таҳлил усуллари: ИҚ-спектроскопия, хром-масс-спектр, элемент таҳлиллар ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Карбаматлар ҳосил бўлишининг эҳтимолӣ механизмини тадқиқ қилиш» деб номланган учинчи бобида карбаматлар ҳосил бўлишини ўрганиш натижалари келтирилган. Инафтол билан алмаштирилган азофеноллар асосидаги бис-карбамат ҳосилаларини синтезлашни давом эттириб, диизоцианатнинг алмаштирилган фенил-азо-тимололнинг ҳосилалари билан реакцияси ўрганилди ва диизоцианатнинг (I) азотимоллар (II) билан реакцияси реагентларнинг 1:1=1:2 молли нисбатида, 25-33 °С ҳароратда, 3,0-3,5 соат давомида, диметилформаид ва триэтиламин иштирокида ўтказилди.

Реакция қуйидаги схема асосида кечади:






бунда X: 2-CH₃-; 2-Cl-; 4-NO₂;

Реакция натижасида ёрқин бўялган, юқори эрувчан, сувда ва бошқа енгил учувчан органик эритувчиларда қийин эрийдиган N, N'-гексаметилен бис-[(X-фенил-азо-тимолӣл)-карбаматлар] ҳосил бўлади, бу эса иккита карбамат гуруҳи ва тимоль қолдиқларининг мавжудлигини исботлайди. N, N'- полиметиле́н-бис-

[(X-фенил-азо-тимолил)-карбаматлар] нинг чиқиш фоизи жуда юқори -94-95%ни ташкил этади. Олинган бис-азо-карбамат ҳосилалари чиқишининг юқорилиги юқори зичлик ва бириккан (N=C=O) гуруҳи электрон булутларининг энгил ҳаракатланиши билан изоҳланади деган таҳмин бор, бу изоцианат гуруҳининг углерод атомида ушбу атом ҳужумини нуклеофил агент билан қайтаради, шунингдек стерик тўсиқларсиз мусбат заряднинг кўпайишига олиб келади. Биринчи марта синтезланган N, N'-гексаметилен бис-[(х-фенил-азо-тимолил)-карбаматлар]нинг тузилиши ИҚ-спектроскопия усули билан исботланган ва элемент таҳлил маълумотлари билан тасдиқланган (1-жадвал).

1-жадвал.

Бис-Х-фенил-азо-тимолил-карбаматлар ҳосилаларининг спектрал маълумотлари. R-OOCNH-(CH₂)₆NHCOOR


R-	ИҚ-спектр, ν см ⁻¹				
	$\begin{array}{c} -\text{N}- \\ \\ \text{H} \end{array}$	$\begin{array}{c} -\text{C}- \\ \\ \text{O} \end{array}$	-N=N-	$\begin{array}{c} -\text{N}-\text{C}-\text{O}- \\ \quad \\ \text{H} \quad \text{O} \end{array}$	-(CH ₂) ₆ -
	3297	1698	1576	1291	760-720
	3302	1697	1574	1293	755-723
	3305	1696	1572	1290	758-726

Шуни таъкидлаш лозимки, N, N'-полиметилен-бис-[(х-фенил-азо-тимолил)-карбаматлар] ни олиш технологиясини ўтказишда гексан-1,6-диизоцианатнинг орто- ва пара-Х-фенил-азо-тимолил билан ўзаро таъсири реакцияси зарарли газлар (H₂S, HCl, HF, HCN, Cl₂, CO, CO₂, NO ва бошқалар.) ажралишидан ҳоли тарзда кечди. Сўнгги вақтларда олим, технолог, кимёгарларнинг карбамат ҳосилаларига бўлган қизиқишлари ортмоқда, чунки изоцианатлар кимёси жуда тез ривожланмоқда, изоцианатнинг бирикмалар таркибидаги HO-, NH-, NH₂-, SH ва бошқа гуруҳлар билан реакциялари анча осон кечмоқда ва кўп ҳолларда реакция маҳсулоти юқори чиқишлар билан синтезланмоқда ва юқори, самарали биологик фаолликни намоён қилмоқда.

Олинган бис-азо-карбамат ҳосилалари чиқишининг юқорилиги юқори зичлик ва бириккан (N=C=O) гуруҳи электрон булутларининг энгил ҳаракатланиши билан изоҳланади деган таҳмин бор, бу изоцианат гуруҳининг углерод атомида ушбу атом ҳужумини нуклеофил агент билан қайтаради, шунингдек стерик тўсиқларсиз мусбат заряднинг кўпайишига олиб келади.

Бундан ташқари – $N=C=O$ гуруҳининг тузилиши ва электрон зичликнинг тақсимланишига тўхталишни лозим деб топдик. Диизоцианат молекулаларида статик ва динамик ҳолатда, чунки айнан ушбу омиллар билан диизоцианатлар киришадиган реакцияларнинг характери аниқланади.– $N=C=O$ гуруҳининг реакцияга киришиш қобилияти унинг электрон тузилишига боғлиқ.

Шунингдек, бизни кўпроқ $-N=C$ ва $>C=O$ боғларнинг нисбий реакцияга киришиш қобилияти қизиқтиради, реакцияга киришиш қобилиятининг индекси сифатида $-N=C$ ва $C=O$ боғларнинг тартиблари ҳамда N, C ва O атомларининг π -электрон зарядларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Айнан мана шу омиллар нуклеофил бирикиш (A_N) реакциясида боғларнинг реакцияга киришиш қобилиятини аниқлайди. Квант ҳисоб-китоблари реакция давомида $N=C$ боғлар $C=O$ боғларга нисбатан кўпроқ заифлашишини кўрсатмоқда. Таъсир этувчи зарралар яқинлашганда $N=C$ боғнинг электрон билан тўлишидаги ўзгаришлар $C=O$ дагига нисбатан кўпроқ кузатилди. Азот атомидаги манфий заряд $N=C$ боғнинг кислород атомидагига нисбатан $C=O$ билан таққослаганда тезроқ кўтарилади ва айнан $N=C$ - $N=C=O$ гуруҳининг нуклеофил реагентлар билан зарбасида осонроқ узилиши кераклигидан дарак беради.




1-расм. Реакция давомийлигининг бис-(X-фенил-азо-тимолил) карбаматлар чиқишига таъсири.

Шундай қилиб, кванткимёвий ҳисоб-китоблардан кўришиб турибдики, изоцианат гуруҳи мураккаб электрофил-нуклеофил тузилишга эга, бунда электрофил тузилиш ундаги – $N = C = O$ гуруҳининг углеродидаги катта мусбат заряд ҳисобига устун келади, демак, изоцианатлар учун нуклеофил реагентларга бирикиш реакциялари муҳимроқ бўлиши керак. Лекин баъзи ҳолларда изоцианат гуруҳи ўзини галлогенлар сифатида намоён қилади ва бошқа атом ёки атом гуруҳларига ўтиши мумкин. Бундан ташқари, изоцианат гуруҳининг фаоллигига - $N=C=O$ молекулаларидаги R радикалнинг тузилиши ҳам сезиларли таъсир этади. Адабий ва экспериментал маълумотларга асосланиб, изоцианатлар нуклеофил реагентларга бирикиш реакцияларида электрон донорларини камайтиради деган хулосага келиш мумкин.

Бис-(X-фенил-азо-тимол-карбаматлар) ҳосилаларини синтезлашнинг оптимал шароитларини белгилаш мақсадида реакция давомийлиги, ҳарорати, эритувчи табиатининг мақсадли маҳсулот чиқишига бўлган таъсири ўрганилди. Реакция давомийлигининг таъсирини аниқлаш учун гексан-1,6-диизоцианат билан термостатда солиштирма шароитларда $30 \pm 0,2^{\circ}\text{C}$ да тажрибалар ўтказилди, жараён давомийлиги 1 соатдан 4соатгача ўзгартирилди (1-расм).

Олинган натижаларга кўра, энг кўп маҳсулот чиқишини таъминловчи реакциянинг оптимал давомийлиги 3,5 соатни ташкил этади.

Мақсадли маҳсулотнинг чиқишига ҳароратнинг таъсири совитилганда реакция ўтказиш орқали ва реакция муҳитининг турли хил ҳароратда бўлган ҳолатида ўрганилди (2-расм).




2-расм. Бис-(X-фенил-азо-тимол)-карбаматнинг чиқишига ҳароратнинг таъсири.

Расмдан кўриниб турибдики, 0°C да ўтказилган реакция натижасида мақсадли маҳсулотнинг чиқиши 5 дан 7% гача бўлди. Ҳарорат кўтарилиши билан чиқиш ҳам ўсди, 15°C да чиқиш 15дан 27% ни ташкил этди, 23°C да 45-57%гача, 27°C да эса 99,0% га етди. 27°C даги юқори чиқишларни бундай ҳароратда N-N гуруҳлари реакция марказининг ҳаракатчанлиги юқори бўлиши билан тушунтириш мумкин, бу эса ички ва молекулалараро водород боғламнининг бўлмаслигини таъминлайди. Бунда эритувчининг маълум қисми боғланади ва $\text{N}=\text{C}=\text{O}$ гуруҳ ҳамда эркин $\text{N}=\ddot{\text{O}}$ - гуруҳ гексан-1,6-диизоцианат билан фаоллашади ва бис-азо-тимол-карбаматларнинг ҳосилалари ҳосил бўлади.

Эритувчи таркибининг таъсирини ўрганиш учун диметилформаиддан ташқари бир қатор таъсир этувчи компонентлар ионлашувини қўлловчи электрон донор эритувчилардан (ТГФ, пиридин, бензол, диоксан, ацетонитрил) фойдаландик, бу эса реакциянинг тезлашишига олиб келди, деган эҳтимол мавжуд. Диизоцианатлар индифферент эритувчида хона ҳароратида иссиқлик ажратиб тимол ҳосилалари билан алмаштирилса таъсир этади. N, N'-

полиметилен бис-[(X-фенил-азо-тимоллил)-карбаматлар]нинг чиқишига эритувчи таркиби катта таъсир этиши тажрибада аниқланди.


Шундай қилиб, апротон биполяр эритувчиларнинг дипол дақиқаси ошиши билан мақсадли маҳсулотнинг чиқиши қуйидаги тартибда ўзгарди: ДМФА=3,8> пиридин=2,19> ТГФ=1,7> ошади (3-расм). 30⁰Сда диметилформамаиддаги гексан-1,6-диизоцианат таркибида $\overset{\cdot\cdot}{\text{H}}\overset{\cdot\cdot}{\text{O}}$ ли тимоллар билан осон таъсирга киришиши ва N, N'- гексаметилен бис-[(X-фенил-азо-тимоллил)-карбаматлар] ҳосил қилиши аниқланди. Эришнинг «Подобное в подобном» принципига мувофиқ диметилформамаиднинг гетероцикллар билан ўзаро таъсири айниқса региоселектив тарзда кечади, бу эса – N=C=O ва тимолнинг $\overset{\cdot\cdot}{\text{H}}\overset{\cdot\cdot}{\text{O}}$ гуруҳлари ўртасидаги мустаҳкам барқарор комплекснинг ҳосил бўлишига олиб келди.




3-расм. Бис-х-фенил-азо-тимоллил-карбаматлар чиқишининг эритувчиларга боғлиқлиги.

Шундай қилиб, биполяр апротон эритувчилар катта дипол дақиқа ва юқори диэлектр ўтказувчанлик билан мақсадли маҳсулот чиқишини ўстириб берувчи мустаҳкам донор-акцептор комплексларни ҳосил қилиш қобилиятига эга. Махсус сольватациянинг изоцианат гуруҳи карбонил углероди билан реакцияси жараёнида тимолларнинг НО- гуруҳи асослилиги донор-акцептор комплекс ҳосил бўлиш ҳисобига кучаяди. Шундай, ТГФ ва диоксанда диметилформамаидга нисбатан А_N бирикма мақсадли маҳсулотининг чиқиши реакциясида пасайиш кузатилмоқда. ДМФАнинг пиридин билан сольватацияси ТГФ ва диоксанга нисбатан энгилроқ кечади, шунинг учун чиқиш кўпаяди.

Шундай қилиб, N, N'-полиметилен бис-[(X-фенил-азо-тимоллил)-карбаматлар] ҳосил бўлиши реакцияси учун оптимал шароитлар: 30⁰С ҳарорат; ДМФА эритувчи; 3,5 соат давомийлик. N,N'- гексаметилен бис-[(X-фенил-азо-тимоллил)-карбаматлар]нинг ҳосилалари турли хил кимёвий тузилишга эга бис-азо-ароматик бис-карбамат бирикмаларни синтезлашда қимматбаҳо хом ашё ҳисобланади. Улар таркибида



бўлганлиги, ҳаёт учун ўта муҳим, нуклеофил ва электрофилларни алмаштиниш реакцияларини ўтказиш учун зарур бис-(X-фенил-азо-тимолил)-карбаматлар таркибидаги юқори реакция марказ ($-N-H$, $-NH-CO-O$ – гуруҳ) мавжудлиги сабабли кўплаб соҳа мутахассислари: тўқимачи кимёгар, тери саноати, бўёқчи, фармацевт, тиббиёт соҳаси, биокимёгар, биолог, полимерчи, қурувчи ва бошқалар учун жуда катта қизиқиш уйғотади. N,N'- гексаметилен бис- [(X-фенил-азо-тимолил)-карбаматлар] билан алмаштирилган N,N'- диметал олиш мақсадида биринчи марта қуйидаги схема асосида






бунда: X=2-метил-; 2-хлор-; 4-нитро-;


бис-[(X-фенил-азо-тимолил) -карбаматлар] ни метилат натрий билан соф метил спиртида 4 соат давомида 25-40⁰С ҳароратда N,N'- динатрийлашнинг самарадорлиги юқори, қулай, арзон, тез, барқарор, экологик соф усули ишлаб чиқилди. Биринчи марта синтезланган N, N'- динатрий билан алмаштирилган N, N'- гексаметилен-бис-[(X-фенил-азо-тимолил)-карбаматлар] тавсифи 2–жадвалда келтирилган.

Шундай қилиб, биз томондан N,N'- динатрий билан алмаштирилган бис-карбаматларни N,N'- гексаметилен бис-[(X-фенил-азо-тимолил)-карбаматлар] билан метилат натрийнинг қуруқ метанолдаги ўзаро таъсири орқали олиш мумкинлиги аниқланди. Бис-карбаматларнинг N-H гуруҳи бўйича алкилгалогенидлар билан N, N'- диалкиллаш шак-шубҳасиз бирикма сақловчи – NH- реакция марказининг реакцияга киришиш қобилиятини аниқлаш учун қизиқиш уйғотади. Алкиллаш реакцияси йодли этилнинг N,N'- гексаметилен бис-[(X-фенил-азо-тимолил)-карбаматлар] билан алмаштирилган N, N' - динатрий ўзаро таъсири остида 2,5:1 молли нисбатда бензолда, 28-30⁰С хона ҳароратида 4,0 соат давомида қуйидаги схема бўйича амалга оширилади:

2-жадвал

N, N'- динатрий билан алмаштирилган N, N'- гексаметилен-бис-[(X-фенил-азо-тимолил)-карбаматлар]нинг физик- кимёвий параметрлари

№	Тузулмавий формуласи	Чиқиш, %	Эриш х., °С	Брутто формула	Элемент таҳлил N, %	
					ҳисобл.	топилган.
1.		91,2	310 (разл.)	$C_{42}H_{50}Na_2N_6O_4$	11,23	10,99
2.		90,1	288 (разл.)	$C_{40}H_{44}Cl_2Na_2N_6O_4$	10,64	10,58
3.		93,4	312 (разл.)	$C_{40}H_{44}Na_2N_8O_8$	13,82	13,60



бунда X=2-CH₃; 2-Cl; 4-NO₂-; R=C₂H₅-; i-C₃H₇-.

ИҚ спектрларда чуқур ютилиш чизиклари учради: NHCOO гурухида ютилиш чизиги 1618-1554 см⁻¹; N(C₂H₅)-CH₂- 1246-1307 см⁻¹ учун; C=O 1720-1728 см⁻¹; (-CH₂)₆ – 726-759 см⁻¹; -CH₂- 2420-2860 см⁻¹ учун эса -N=N- 1540 см⁻¹. N,N'- гексаметилен бис-[(X-фенил-азо-тимолил)-карбаматлар] билан алмаштирилган N, N'- динатрий реакциясининг кечиши «X» (галоид)-алкилловчи агентнинг R-J табиати, эритувчилар, «суюқлиги» ёки «юмшоқлиги», ҳаракатчанлигига боғлиқлиги экспериментал тарзда аниқланди. Хусусан, R-X алкилгалогенидларнинг алмашиш реакцияларига киришиш хусусиятининг юқорилиги уларнинг молекулалари тузилишидаги ўзига хослик билан боғлиқ, ҳамда радикалнинг тузилиши, галоген табиати, шунингдек реакция ўтказилаётган муҳитдаги эритувчи тури ва реакция шароитларига боғлиқ. (3- жадвал).

Жадвалдан кўриниб турибдики, R-J да нисбий зичлик ва қайнаш ҳарорати шунга мувофиқ бромланганларга нисбатан юқорироқ. Ўз навбатида бромланганларнинг зичлиги ва қайнаш ҳарорати хлорланганларга нисбатан юқорироқ. Молекула таркибига кирувчи «X» атом вазнининг ортиши билан R-X нинг нисбий зичлиги ортади, нисбий зичлик шунингдек, боғ энергияси, унинг узунлиги ва бошқаларга боғлиқ (4-жадвал).

Органик молекулаларда қутбланувчанлик хусусияти мавжуд, яъни хужум қилаётган реагент яқинлашганда боғ қутбланишининг кучайиши содир бўлади. Боғнинг қутбланувчанлиги қанча кўп бўлса, боғ ҳосил қилувчи атомларнинг электрон қобиғи шунча ҳажмли ва серҳаракат бўлади.

Қутбланувчанлик хусусияти C-X боғи қаторида яхши кузатилади, агар R-F, R-Cl, R-Br и R-J боғларнинг қутблилиги анча яқин бўлса, C-J боғларининг қутбланувчанлиги C-F боғларга нисбатан анча юқори.

R-X нинг физикавий хусусиятлари

Галоген ҳосила (R-X)	Қайнаш ҳарорати °C				d_4^{20}			
	F	Cl	Br	J	F	Cl	Br	J
C_2H_5X	- 37,2	13	38	72,2	0,816	0,921	1,430	1,993
$\begin{array}{c} CH_3 - CH - CH_3 \\ \\ X \end{array}$	62,8	109,2	129	156	0,788	0,88	1,2500	1,5200

4-жадвал

Молекула таркибига кирувчи «X» атом вазнининг ортиши билан R-X нинг нисбий зичлиги, боғ энергияси, унинг узунлиги боғлиқлиги

Боғ	Энергия, ккал/моль	узунлик, Å ⁰	Қутбланганлик, Д	Қутбланувчанлик
C-F	102	1,40	2,3	1,7
C-Cl	78	1,76	2,3	6,5
C-Br	65	1,91	2,2	9,6
C-J	57	2,12	2,0	14,6

Демак, нуклеофил алмашишнинг (S_N) барча реакцияларида қутбланувчанлик билан аниқ мутаносибликда C-J боғлар бошқа C-Xларга нисбатан максимал даражада фаол. Шунинг учун, R-J билан алкиллаш реакцияси тезроқ кечади ва юқори чиқиш билан




ҳосил бўлишига олиб келади. Алкиллаш реакциясининг айнан иккита атом бўйлаб кечиши (этиллаш, изпропиллаш) нисбатан енгил диссоциация туфайли содир бўлади, натижада қўшни карбонил гуруҳлар пайдо бўлади.

Шундай қилиб, N, N'-гексаметилен бис-[(X-фенил-азо-тимолил)-карбаматлар]ни йодли этил (ва изпропил) билан N, N'-диалкиллаш реакциясини ўрганиш N, N'-диалкиллаш сўнгги маҳсулотининг барча ҳолларда селектив ҳосил бўлишини кўрсатди. Йодалкил билан N, N'-диалкиллашнинг афзаллиги N, N'-диалкиллаш жараёнини термодинамик назорат қилиш мумкинлиги, яъни олинган N, N'-диэтил (диизпропил) N, N'-гексаметилен бис-[(X-фенил-азо-тимолил)-карбаматлар] термодинамик барқарор, натижада алкил гуруҳининг пайдо бўлиши билан изоҳланади.

Диссертациянинг «Электрон тузилишни ўрганиш ва фойдаланилган бирикмаларнинг кванткимёвий ҳисоби» деб номланган тўртинчи бобда кванткимёвий ҳисоб-китобларни ўрганиш натижалари келтирилган. Тадқиқ қилинган бирикмаларнинг кванткимёвий тавсифлари ва молекуляр-динамик ҳисоб-китоблари асосида улар иштирокидаги нуклеофил бирикиш жараёни кечадиган реакция ва реакция марказининг йўналиши ҳақидаги тахминлар

айтилди. Келтирилган маълумотлар олинган экспериментал натижалар билан тасдиқланди.

Диссертациянинг «**N,N'-гексаметилен бис-[(2-метилфенил-азо-тимолил)-карбаматлар]** олиш технологиясини ишлаб чиқиш» деб номланган бешинчи бобида N, N'- гексаметилен бис-[(2-метил-фенил-азо-тимол) ва (2-хлор-фенил-азо-тимолил)-карбаматлар] олиш технологиясини ишлаб чиқиш натижалари келтирилган (4-расм).



1 - 4-нитро-фенил-азо-тимол учун бункер; 2, 3, 4 – диметилформаид, триэтиламин и гексан-1,6-диизоцианат учун идиш; 5 – реактор; 6 – хлоркальций трубкали колонна; 7 – фильтр; 8 – кристаллизатор; 9 – қуритувчи шкаф; 10 – ишлатилган эритувчи учун идиш; 11 – уксус кислотаси учун идиш.

4-расм. N,N'-гексаметилен бис-[(4'-нитрофенил-азо-тимолил)-карбаматлар] ишлаб чиқаришни технологик технологияси.

N,N'- гексаметилен бис-[(2-метилфе-нил-азо-тимолил) ва (2-хлорфенил-азо-тимолил)-карбаматлар] олишнинг ишлаб чиқилган усули 2-метилфенил-азо-тимолил (ёки 2-хлорфенил-азо-тимолил) ни гексан-1,6-диизоцианатга 28-32⁰С ҳароратда эритувчи ва катализатор (асос) иштирокида нуклеофил бириктириш, маҳсулотни 157-159⁰С ҳароратда филтрлаш ва қуритишни англатади. N, N'- гексаметилен бис-[(2-метилфенил-азо-тимолил) ва (2-хлорфенилазо-тимолил)-карбаматлар]ни олиш жараёнида газсимон ва қаттиқ қолдиқлар ҳосил бўлмайди. Суюқ қолдиқ сифатида эритувчи ва асос катализатори ҳосил бўлади, ундан регенерациядан сўнг кейинги операцияларда фойдаланилади. N, N'- гексаметилен бис-[(4'-нитро-фенил-азо-тимолил)-карбаматлар]ларни ишлаб чиқаришнинг технологик схемаси битта асосий линиядан ташкил топган. 5 позициядаги механик аралаштиргич билан таъминланган реакторга 1 ва 3 позициядаги идишдан маълум миқдорда 4'-нитро-фенил-азо-тимол ва

диметилформаид узатилади. Қоришма 4'-нитро--фенил-азо-тимол тўлик эригунга қадар аралаштирилади.

Сўнг аралашмага 2 позициядаги идишдан белгиланган миқдорда триэтиламин қўшилади. Бунда реакция муҳитининг ҳарорати ва рН назорат қилинади. Ҳароратни белгиланган режимда сақлаб туриш учун реакторга совуқ ёки иссиқ сув юбориш мумкин. Шундан сўнг тез-тез аралаштириб турган ҳолда реакторга 4 идишдан қисмлаб гексан-1,6-диизоцианат юборилади. Аралаштириш 30⁰С да, 2-2,5 соат давом этади. Вақт ўтгандан сўнг реакцияга киришган қоришмадан тайёр маҳсулот миқдори учун намуна олинади.

Маҳсулот чиқиши 98,0 %дан кам бўлмаслиги керак. Шундан сўнг тайёр маҳсулот 7 позициядаги филтрдан ўтказилади. Эритувчини 10 позициядаги идишларга йиғилади ва ажратиш ҳамда тозалаш учун юборилади. N, N'-гексаметилен бис-[(4'-нитро-фенил-азо-тимолоил)-карбамат]ларнинг кристаллари қайта кристаллантирилади. Бунинг учун технологик линияда уксус кислотаси ва бошқа органик эритувчилар учун 11 позицияда ва кристаллизатор учун 8 позицияда идиш мўлжалланган. Тайёр маҳсулотни қайта кристаллантирилгандан кейин қуритиш шкафида (9поз) 50⁰С да қуритилади ва тайёр маҳсулот омборига жўнатилади.

Шундай қилиб, Ўзбекистон маҳсулотини ишлаб чиқаришда кутилаётган иқтисодий самара йилига транспорт харажатларининг иқтисодини ҳисобга олмаган ҳолда 630000000 сўмни ташкил этди.

ХУЛОСА

1. Бис-[(х-фенил-азо-тимолоил)-карбамат] ларни юқори чиқиш (98%) билан х-фенил-азо-тимолларнинг ГМДИ билан ўзаро таъсири остида олиш усули тавсия этилди.

2. Бис-(х-фенил-азо-тимолоил)-карбаматлар ҳосил бўлишининг эҳтимолли механизмлари яъни ўтиш ҳолатини (С) ҳосил қилиш билан ГМДИ молекуласидаги - электрофил марказ гуруҳлари томонидан нуклеофил ҳужумини назарда тутаяди, сўнгра реакцияни охириги маҳсулотига қайта гуруҳланиши тавсия этилди.

3. N,N'-гексаметилен бис-[(х-фенил-азо-тимолоил)-карбамат]лар номаълум ҳосилаларининг N-N реакция марказлари бўйича кимёвий ҳолати, ҳосилаларни N,N'-диметиллаш, - диэтиллаш,- иизопропиллаш, ҳамда ушбу реакцияларнинг эҳтимолли йўналишлари ишлаб чиқилди.

4. Олинган бирикмалар орасида баъзилари лок-бўёқ материаллари ва синтетик полимер материаллар учун пигмент вазифасини ўтовчи, баъзилари эса кимё саноатида фойдаланиш учун ярқли бўяш хусусиятига эга бўлган препаратлар тавсия этилди.

5. Полимер саноати учун N,N'-гексаметилен бис-[(х-фенил-азо-тимолоил)-карбамат] бўёқлар олиш технологияси тавсия этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSC.03/30.12.2019.Т.04.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ХИМИКО-
ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

ТАШКЕНТСКИЙ ХИМИКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

ИБРАГИМОВ АБДУМАЛИК АЗИЗОВИЧ

**РАЗРАБОТКА ТЕХНОЛОГИИ ПРОИЗВОДНЫХ БИС-АЗО-ТИМОЛИЛО-
КАРБАМАТОВ И ИЗУЧЕНИЕ ИХ КРАСЯЩИХ СВОЙСТВИВ**

02.00.14 - Технология органических веществ и материалы на их основе

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Тошкент - 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2017.3.PhD/Т386

Диссертация выполнена в Ташкентском химико-технологическом институте

Автореферат диссертации написан на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)), размещен на веб-странице Научного совета по адресу www.tkti.uz и информационно-образовательном портале Ziyonet по адресу www.ziyonet.uz.

Научные руководитель:

Махсумов Абдухамид Гафурович
доктор химических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Тешабаева Элмира Убайдуллаевна
доктор технических наук, профессор
Мирхамитова Дилором Худайбердиевна
доктор химических наук, профессор

Ведущая организация:

Ташкентский институт текстильной и легкой промышленности

Защита диссертации состоится «_3_»_03_2022 г. в _11⁰⁰_ часов на заседании научного совета DSc.03/30.12.2019.Т.04.01 при Ташкентском химико-технологическом институте по адресу: 100011, г. Ташкент, Шайхонтахурский район, ул. А.Навои, дом 32. тел: (99871) 244-79-20, факс: (99871) 244-79-17, e-mail:tkti_info@edu.uz.

Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Ташкентского химико-технологического института за №_288_, с которой можно ознакомиться в ИРЦ (100011, г. Ташкент, Шайхонтахурский район, ул. А.Навои, 32. тел: (99871-244-79-20).

Автореферат диссертации разослан «_18_»_02_2022 года.

(протокол рассылки №_97_от_12. 02_2022 г.).

С.М.Туробжонов

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

Х.И.Кадиров

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, д.т.н., доцент

Г.Р.Рахмонбердиев

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.х.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Сегодня в мире карбаматы, бис-карбаматы применяются во многих отраслях: сельском хозяйстве, медицине, технике, в резиновой промышленности, фармацевтике, органическом синтезе и на их основе получают разнообразные препараты. Поэтому, важно получение новых соединений на основе производных замещенных фенолов и изоцианатов по выпуску красителей и биологически активных веществ.

Во всем мире проводится ряд научных исследований по получению новых производных бис-(азо-тимолил)-карбамата на основе фенола и изоцианата. В связи с этим особое внимание уделяется синтезу гидрокси-, карбокси-, сульфоксид-производных бис-фенил-азо-тимил-карбаматов, изучению физико-химических и структурных свойств, применению в качестве красителей и биологически активных веществ, разработке технологии производств красителей для синтетических полимеров.

В мире ведутся исследования по созданию технологии синтеза новых соединений на основе производных замещенных фенолов и изоцианатов а также исследование их физико-химических свойств, структурных особенности и практическое применение химической промышленностью, сельского хозяйства по выпуску красителей, биологически активных веществ, научных основ состава композиций и технологии их применения.

В республике в последние годы проводится ряд работ по увеличению объема производства продукции, совершенствованию технологического процесса, повышению качества и количества выпускаемой продукции с целью обеспечения химической промышленности сельского хозяйства красителями и биологически активными веществами. В стратегии действий развития Республики Узбекистан поставлены важные задачи «создание технологий получения продукции, замещающей импорт из местного сырья и вторичных ресурсов»¹. В этом направлении важное значение имеет проведение исследований по разработке технологии получения производных бис- фенил-азо-тимолило-карбаматов с заранее заданными свойствами приобретает важное значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указах Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по пяти приоритетам развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы», УП-4891 от 6 апреля 2017 года «Критический анализ производства и состава товаров (работ, услуг), углубление локализации производств, направленных на импортозамещение» и Постановлении от 23 августа 2017 года ПП-3236 «О программе развития химической промышленности на 2017-2021 годы», а также в других нормативно-правовых документах, принятых для данной деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий в Республике. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики VII. «Химические технологии и нанотехнологии».

Степень изученности проблемы. Научным исследованиям по разработке технологии получения производных бис-фенил-азо-тимолило-карбаматов, внесли определённый вклад известные учёные, T. Jscs Shidota, Romberger, A. John, A. Daniel, G. Woodward, C. Kelsten, P. Graham, B. Brettell, S.T. Arab, A.M. Al-Turkustani, L. Kraye, J. Herbert, J. Manspeaker, M. Robi, G. Edwards В.Я. Темкин, Н.В. Циркульникова, Г.Ф. Ярошенко, Р.П. Ластовский, З.Виршпа, Я. Бженизинский, П.А. Дирай, Н.М. Дятлова, С.А. Болезин, Л.И. Антропов, Н.В. Цирульникова, А.П. Ковальчук, Ф.Ф. Чеусов, Б.Н.Дриккер, Ю.Н. Калимуллин, А.С. Михалев, В.К. Пинигин, Е.М. Уринович, Ф. Курбанов, А.Б. Аловитдинов, Д. Юсупов, А.Т. Джалилов, В.П. Гуро, А. Икрамов, С.М. Турабджанов, А.Г. Махсумов и другими.

Ими получены производных бис-фенил-азо-тимолило-карбаматов, изучены их физико-химические и эксплуатационные свойства; определены различные факторы влияющие на протекание процесса; синтезированные гидрокси-, карбокси-, сульфокси-производные в чистом виде и в композиции были использованы в качестве красителей; в целях обеспечения химической промышленности и сельского хозяйства красителями и биологически активными веществами полученные продукты были использованы в качестве универсальных красителей и биологически активных веществ.

С этим проводятся научные исследования по изучению новых производных бис-(азо-тимолило)-карбаматов на основе взаимодействия замещенных азо-тимолов с ГМДИ; влияние факторов на выход бис-(фенил-азо-тимолило)-карбаматов; физико-химические свойства по N-N центрам: диметаллирование и диалкилирование; механизмы реакции образования бис-(фенил-азотимолило)-карбаматов, их производных и разновидности течения их; разработка безотходной технологии производства N,N'-гексаметилен бис-[(фенил-азо-тимолило) карбамата]; разработка на основе синтезированных бис-азо-тимолило-карбаматов высокоэффективных красящих веществ для крашения лакокрасочной, синтетических полимеров и природных волокон, а также биологических активных веществ.

Связь темы диссертации с научно-исследовательскими работами высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование проводилось в рамках плана научно-исследовательских работ Ташкентского химико-технологического института по фундаментальным, практическим и инновационным проектам ОТ-ФЗ-143 «Строение и природа химической связи координационных соединений металлов с d- и f- электронной конфигурацией и прогнозирование на их основе новых соединений с заданными свойствами» (2005-2009 гг.), И-8-7 «Разработка технологии производства ингибиторов для нефтегазовой промышленности АК «Узнефтьгазказибчиариш» (2008-2009 гг.), 6-070 «Создание, изучение свойств и разработка технологий получения ингибиторов солеотложения на основе местного сырья» (2009-2011 гг.) и А-12-73 «Синтез, свойства и технология производства ингибиторов отложения минеральных солей и коррозии».

Целью исследования является разработка технологий получения производных бис-фенил-азо-тимолило-карбаматов.

Задачи исследования:

